

**Фуқароларнинг сиёсий онги, жамиятнинг маънавий-маърифий
ривожланишига асосланади.**

Ибодулла Қўнғиров,

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети
доценти, тарих фанлари номзоди.

АННОТАЦИЯ: Ушбу мақолада "сиёсий онг" тушунчасига тегишли таърифлар берилиб, илмий асосда урганилган ҳамда зарур хулосалар қилинган. Мақолада мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг натижаси фуқароларнинг сиёсий онгига бевосита боғлиқлик эканлигига урғу берилган бўлиб, фуқароларнинг сиёсий онгини юксалтириш ҳаётий заруратлиги эътироф этилган. Шунингдек, мақолада фуқароларнинг сиёсий онгининг юксалтириш асосида мамлакатда тинчлик ва барқарорликнинг таъминланишига ҳам эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: Сиёсий онг, сиёсий ислохотлар, сиёсий онг курунишлари, фуқароларнинг сиёсий маданияти, сиёсий тизим, субъектив, демократик жараёнлар, сиёсий фаоллик, миллий ғурур, сиёсий идрок.

Сиёсий маданиятни сиёсий онгдан айри тасаввур этиб бўлмайди. Сиёсий онг ўзидаги мажуд – ҳуқуқий, маънавий, иқтисодий, эстетик, диний ва бошқа компонентларга таянган ҳолда сиёсий маданият даражасига кўтарилади. Кенг маънода қараладиган бўлса– сиёсий онг сиёсий тизим билан узвий боғлиқ ҳолда унинг субъектив пойдеворини, таъбир жоиз бўлса, “инсоний негизи”ни ташкил этади.

Бугунги кунда мамлакатимиз фуқароларнинг сиёсий онгини такомиллаштириш, демократик жараёнлардаги иштирокини янада фаоллаштириш, устувор вазифалардан бирига айланиб бормоқда. Чунки, ўзликни англаш, миллий ғурур каби юксак инсоний хислатлар ҳам аввало, фуқароларнинг онглилик даражасига боғлиқдир. Шунини алоҳида эътироф этиш керакки, сунги етти, саккиз йил ичида, мамлакатимиз фуқаролари жамият ижтимоий–сиёсий ҳаётида, давлат ва жамият бошқарувида виждонан иштрок этиб, сиёсий фаоллик ҳамда онглилик даражаларини қарор топтириш

зарурлигин қалбан ҳис этмоқдалар.

Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, фуқаронинг сиёсий онги, ижтимоий – психологик тушунча бўлиб, ҳар бир инсон ўзини муайян бир жамият аъзоси сифатида идрок этиши, бошқа инсонлар, айниқса яқин қариндошлари, ёр – у, биродарлари муқаддас ватани ва халқи манфаатлари билан шахсий манфаатини уйғунлаштира олиш қобилияти ҳам ҳисобланади. Яъни, юртимизнинг ҳар бир фуқароси онгида халқ манфаати, ватан манфаати – энг улуғ ва энг олий қадрият сифатида шаклланиши зарурлигини англайди. Айниқса, фуқароларимизда сунги етти, саккиз йил ичида шаклланган, Ватан манфаати, юрт фарованлиги, ўз халқига бўлган садоқат каби буюк туйғулар уларни танлаб олган йўлларидадан ортга қайтишларига мутлақо изм бермайди.

Демократик қадриятларнинг куч – кудрати, баландпарвоз сўзлару қоғозда битилган қонунларнинг қабул қилинганлиги билан эмас, балки уни ҳаётга тадбиқ этишда асосий омил бўлган кишиларнинг сиёсий фаоллиги ҳамда юксак онглилиги асосда намоён бўлади. Жамиятдаги туб ислохатларнинг муваффақияти кўп жиҳатлари билан сиёсий онга боғлиқ ҳодисадир. Немис сиёсатшунос олими Макс Вебер саноат капитали янги пулнинг кўпайиши билан эмас, балки “янги руҳ оқими” билан вужудга келади, деб бежиз айтмаган эди.

Сиёсий онг фуқароларнинг турли сиёсий ҳиссиётлари, қарашлари, тушунчалари ва ғояларининг йиғиндиси ҳисобланиб, улар орқали жамиятда содир бўлаётга сиёсий воқеаларга муносабат билдиради. Шунингдек, у фуқаролар сиёсий манфаатларини, сиёсий ҳокимиятга муносабатларини акс эттирувчи сиёсий қарашларнинг инсон онгида жамланган ифодаси ҳамдир.

Сиёсий онг – сиёсий барқарорликнинг идрок қилинишидир. Кишилар мавжуд сиёсий воқийлик билан шунчаки қаноатланиб қолмайдилар, улар ҳаммаша бу воқийликни билишга, англашга ва уни ўзгартиришга интиладилар. Кишиларнинг ана шу сиёсий борлиқ ҳақидаги билимлари, қарашлари, тасаввурлари уларнинг сиёсий онгини ташкил этади.

Сиёсий онг-муайян индивид, гуруҳ, қатламлар томонидан сиёсий соҳани англаши, тасаввурлари, билимларини баҳолаш тизимидир. Сиёсий онг – бу кишиларнинг сиёсий тизим, сиёсий ҳаёт ва сиёсий муносабатлар тўғрисидаги билимлар, тасаввурлар, маслаклар, эътиқодлар, ўзлари яшаб турган сиёсий тузумга баҳо беришлари йиғиндисидан иборатдир. [1.] Сиёсий онг алоҳида шахснинг ҳамда жамиятдаги ижтимоий-сиёсий бирлашмаларнинг фаолиятларига, хулқ-атвори ва характерининг шаклланиши ҳамда ривожланишига таъсир этувчи ижтимоий ҳодисадир.

Фуқароларнинг сиёсий жиҳатдан онглилик даражаси-сиёсий тафаккури, сиёсий идрок қилиши кўп жиҳатлардан уларнинг сиёсий жараёнларда ўз мавқеига эга бўлиб, ўзини-ўзи англаб ижтимоий фаолият кўрсатишига боғлиқ жараёнлардан биридир. Демократик жамиятда фуқаро, мамлакат сиёсий ҳаётида шунчаки расмиятчилик учун иштирок этмасдан, аксинча у жамият ҳаётида фаол қатнашиб, ватани ва халқи манфаатларини кўзлаб, ижтимоий-сиёсий жараёнларга онгли тарзда ўз муносабатини билдиради.

Аввало, жамиятда фуқаролар ўз мақсад – интилишларини, тақдирини, ўз истиқболини давлат сиёсатида, аниқ ва равшан кўра олсагина, унга ихлос билан эргашади ҳамда суянади. Уни ўз тақдири билан боғлиқ ижтимоий ҳодиса, олий кадрият сифатида қабул қилади. Натижада давлат сиёсати билан фуқароларнинг манфаатлари ҳамда муддаолари уйғунлашиб, ягона мақсадга қаратилган энгилмас кучга айланади. Ўзбекистонда бундай жараёнлар эса, айнан сунги йилларда амалга оширилмоқда.

Фуқаролар ўз сиёсий онги даражасига кўра ҳеч қачон бир хил бўлмайдилар. Улар пассив ёки фаол сиёсий онг даражасига эга бўладилар, шу сабабли ҳам жамият сиёсий ҳаётдаги иштроклари ҳам турлича кўринишда бўлади. Сиёсий онглилик фуқароларнинг сиёсий жиҳатидан ўз-ўзини англаши, сиёсий тафаккур ва сиёсий идрок қила олиши, сиёсий жараёнларда ўз мавқеига эга бўлиши билан бир қаторда, жамият тараққиётига мос сиёсий фаолият олиб боришини ҳам талаб этади. Фуқаролардаги бундай ижобий хислатларнинг мавжуд булиши эса

уларнинг жамиятда ўз кадр – қимматига эга эканлигидан далолат беради.

Сиёсат ҳеч вақт ўзгармас ёки фаолиятсиз ижтимоий ҳодиса эмас. Унинг мазмун – моҳияти сиёсий курашларда, сиёсий фаолиятда, сиёсий билимларни амалий ҳаётга татбиқ этишда намаён бўлади. Сиёсат– сиёсий онг ва сиёсий ҳаракатнинг узвий бирлигидир. Жамият тараққиёти ҳам ундаги сиёсий муносабатларга боғлиқдир. Сиёсий ҳатти – ҳаракатлар сиёсий муносабатлар тарзида намоён бўлади. Демак, буларнинг барчаси фуқаро руҳиятига ҳамда онгилилик даражасига асосланади.

Сиёсий онгнинг шаклланиши мураккаб жараёнлардан бири ҳисобланаиб, у аввало, жамиятдаги ижтимоий – сиёсий шарт – шароитлар ҳамда демократик сиёсий тартиботларнинг мавжудлигига боғлиқдир. Агар жамиятда бундай муносабатлар шаклланмаган бўлса, ёки демократик сиёсий қадриятлар асосида такомиллаштирилмаган бўлса, демак сиёсий онг ҳам шаклланмайди. Айниқса, жамиятдаги маъмурий – буйруқбозлик ёки авторитар тизим, сиёсий онгнинг шаклланишига ҳамда юксалишига имконият туғдирмайди. Бундай ҳолатларнинг мавжуд бўлиши эса фуқароларни ҳокимиятдан узоқлашишига ва сиёсий жараёнларга бефарқ бўлишларига олиб келади.

Жамиятда демократик сиёсий тизимнинг мавжудлиги, унинг такомиллашиб бориши – фуқаролар сиёсий онги шаклланишининг муҳим шартидир. Жамиятдаги бундай сиёсий тизим инсон сиёсий онги ва фаолиятининг юксалишига зарур бўлган имкониятларни яратиб беради. Жамият сиёсий тизими қанчалик демократик қадриятларга асосланса, фуқароларнинг сиёсий ҳаётдаги иштироки ҳам шунчалик фаоллашади.

Сиёсий онг аввало, жамиятдаги иқтисодий омилларга, унинг иқтисодий тараққиётига, фуқароларнинг моддий фаровонлигига асосланади. Жамият иқтисодиётининг юксалиши, фуқароларнинг фарован турмуш кечиришлари, сиёсий онг шаклланишининг энг муҳим воситаларидан биридир. Жамият қанчалик иқтисодий тараққиётга эришса, демократик идора усуллариининг жорий этилишига шунчалик кенг имкониятлар яратилади. Чунки

демократик, иқтисодий ислохатлар таъсирида фаровон яшашга эришган фуқаролар унинг кадр – қимматини чуқур ҳис этади ҳамда кўллаб – қувватлайди ва уни асраб – авайлайди.

Фуқаролар сиёсий онгининг шаклланиши ҳамда жамиятнинг демократик такомиллашуви кўп жиҳатдан қонун устуворлигига асосланади. Конституция ва қонунларнинг жамият ҳаётидаги ўрнини чуқур ҳис этиш, фуқароларнинг сиёсий онглилик даражасига боғлиқдир. Сиёсий онг ва тафаккурга эга булган фуқаро, ўз ҳуқуқи ҳамда халқ, давлат ва жамият олдидаги бурчларини чуқур англаб этади. Қайсики жамиятда қонун устувар бўлса фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлиги таъминланади, фаровон ҳаёт кечиришларига имконият яратилади. Чунки, инсон қонунга таяниб ўз орзу – истакларига эришади. Бошқача қилиб айтганда, қонунлар фуқароларнинг ҳоҳиш – истаклари ҳамда ору –умидларининг мажмуидир.

Сиёсий онг шаклланиши кўп жиҳатдан жамиятнинг маънавий – маърифий ривожланишига таянади. Сабаби, маънавий – маърифий жиҳатдан тараққиётга эришмаган жамият– инсонни сиёсий субъект сифатида шакллантира олмайди. Маърифатсиз, маънавий жиҳатдан, қашшоқ, билимсиз фуқаро эса сиёсатдан йироқ бўлади, у ҳаётда кўп адашади. Бу борада машҳур файласуф Сўқрот шундай деган эди, “Барча адашишларнинг сабабчиси, билимсизликдир”. Яъни билимсиз, маърифатсиз одам ҳеч қачон маънавийли бўла олмайди. У ҳаётда бот– бот адашади. Ҳаёт тажрибалари шуни кўрсатмоқдаки, жамиятнинг маънавий – маърифий даражаси, фуқароларнинг сиёсий онги ва маданиятини юксалтириш билан бир қаторда, сабр – тоқатли, меҳр – оқибатли, имон – инсофли бўлишига шундай турли сиёсий жараёнларда одил ҳамда оқилана йўлни танлаш қобилиятини ҳам шакллантиради. Жамиятда билимли, сиёсий жиҳатдан етук фуқароларнинг кўпайиши, демократик қарашларининг кенгайиши, жамият тафаккури янгиланиши ҳамда фуқаролар сиёсий онгининг такомиллашувига олиб келади. Чунки, ҳар қандай ислохатларнинг самарадорлиги, аввало халқнинг маънавий – руҳий қарашларидаги янгиланиш жараёнлари, унинг

онгу тафаккурининг юксалиши ҳамда мамлакатда юз бераётган ўзгаришларнинг ҳаётийлиги ва фуқароларнинг тақдирига дахлдор бўлганлиги билан белгиланади.

Сиёсий онг шаклланиши ва юксалишида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ҳам муҳимдир. Бошқачароқ қилибайтадиган бўлсак, сиёсий жиҳатдан такомиллаштиришни, демократия тамойилларининг ҳаётга кенг жорий этилишини ОАВсиз тасаввур этиб бўлмайди. Демократик ҳуқуқий давлатда ОАВ орқали фуқароларнинг сиёсий фаоллиги ва онглилик даражасининг сифати белгиланади. ОАВ ҳокимиятнинг тўртинчи тармоғи ҳисобланиб жамоатчилик фикрини шакллантиришнинг кучли воситаси улароқ, фуқароларнинг фикр – истакларини билишга уларни амалда қўллаб – қуватлашга асосланади. “ Ахборот эркинлигини таъминламасдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикри ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга муносабатини эркин ифода этадиган минбарга айлантirmасдан туриб, демократияни чуқурлаштириш ва аҳолининг сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки тўғрисида сўз юритиб бўлмайди. Ҳозирги кунда ўзбекистоннинг оммавий ахборот воситалари мамлакат ва унинг ташқарисида юз бераётган ижтимоий – сиёсий, иқтисодий ва маданий воқеалар тўғрисида ўз вақтида хабардор қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Фуқаролар сиёсий онгининг юксалишида ҳамда жамият ҳаётининг демократиялашувида, сиёсий партиялар, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ҳам бениҳоя каттадир. Чунки, сиёсий партиялар қонун доирасида ҳокимият учун жамият таракқиёти учун курашадилар. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, сиёсий партиялар фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, аҳолининг айниқса сайлов жараёнларида хошиш – иродаси ва фикрини ифодалашда, фуқароларнинг сийсий онглилик даражасига таянади.

Агар жамоат ташкилотлари аниқ ғоя ва мақсадларга эга бўлган ҳолда ўз муддоларига интилсалар, халқ манфаатларига мос келадиган ишларни амалга ошириш учун курашсалар фуқаролар уларни албатта қўллаб –

куватлайдилар. Масалан, сайловларда сиёсий партияларнинг овоз тўплашларинини бунга мисол тариқасида келтириш мумкин. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳам сайлов тўғрисида махсус 23 – боб мавжуд бўлиб, бу масала бундан ташқари яна ўндан зиёд қонунларимизда ҳам ўз аксини топган. Мухтасар қилиб айтганда бугун амал қилинаётга сайлов тизимининг модели чуқур ҳамда атрофлича ўйланган бўлиб, халқаро андозаларга ва дунёдаги демократик давлатларнинг илғор тажрибаларига таянган ҳолда, халқимизнинг анъанавий қадриятлари ва рўҳиятини ҳам тўлиқ акс эттиради. Буларнинг барчасида фуқаролар сиёсий онглилик даражаси муҳим аҳамият касб этади.

Сиёсий онгнинг ўзи нима? Сиёсий онг бу халқнинг давлат олиб бораётган сиёсий жараёнларга муносабати ифодасидир. Мисол сифатида муҳим сиёсий жараёнлардан бири бўлмиш сайлов жараёнини келтиришимиз мумкин. Оддий фуқаро ҳоҳ у ишчи бўлсин, ҳоҳ у зиёли бўлсин, мазкур жараёнга бефарқ бўлмаслиги даркор. Чунки, у ўзининг эртасини кимнинг қўлига топшираётганидан хабардор булиши ҳамда ушбу жараённинг бевосита иштирокчиси бўлиши керак. [2.] дейди, тадқиқотчи олим Боҳодир Ҳайитов.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, фуқароларнинг сиёсий фаоллиги, сиёсий онглилик даражалари амалга оширилаётган, демократик ислохотларнинг негизи ҳисобланади. Чунки, биз барпо этаётган демократик фуқаролик жамияти ана шу каби омилларга асосланади. Агар булар бўлмаса, демократик қадриятларни, ижтимоий ҳаётга тадбиқ этиб бўлмайди.

Шундай қилиб, сиёсий онг – жамиятда мавжуд қадриятлар ҳақидаги тасаввурларни, шунингдек, улар билан боғлиқ иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий муносабатларни далиллаш ҳамда талқин этиш шакллари ва мазмунини урганади.

Фойдаланган адабиётлар.

1. Политология (авторлар жамоаси) –Т.:Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти,2002-163-б.
2. <https://cyberleninka.ru/article/n/adabiyotlarda-siyosiy-madaniyat-ta-lili>
pedagoglar.org